

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ**

ЖУМАЕВ САЙФИДДИН ҚОДИРОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА ОЛИНГАН АНТИПИРЕНЛАР
БИЛАН ЁҒОЧ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ЁНГИНДАН ҲИМОЯЛАШ**

**05.10.02 – “Фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик. Ёнгин, саноат, ядро ва радиация
хавфсизлиги”**

05.09.05 – “Қурилиш материаллари ва буюмлари”

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора (PhD) философии по
техническим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Жумаев Сайфиддин Қодирович

Маҳаллий хомашёлар асосида олинган антипиренлар билан ёғоч материалларини ёнғиндан химоялаш5

Жумаев Сайфиддин Қодирович

Огнезащита древесных материалов антипиренамиполученными на основе местного сырья.....21

Jumaev Sayfiddin Qodirovich

Fire protection of wood-based materials with antipyrine obtained from local raw materials.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ**

ЖУМАЕВ САЙФИДДИН ҚОДИРОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА ОЛИНГАН АНТИПИРЕНЛАР
БИЛАН ЁҒОЧ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ЁНГИНДАН ҲИМОЯЛАШ**

**05.10.02 – “Фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик. Ёнгин, саноат, ядро ва радиация
хавфсизлиги”**

05.09.05 – “Қурилиш материаллари ва буюмлари”

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Т1241 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)), Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.taqi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Самигов Нигматжон Абдурахимович
техника фанлари доктори, профессор,

Нуркулов Файзулло Нурмўминович
техника фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Курбанбаев Шуҳрат Эргашевич
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Сатторов Зафар Мурадович
техника фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «6» июль соат 13:00да Архитектура факультетининг мажлислар залида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент ш., Абдулла Қодирий кўчаси, 7в-уй. Тел.:(99871) 241-10-84; факс: (99871) 241- 80-00, e-mail: devon@taqi.uz, taqi_atm@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 56 - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100084, Тошкент ш., Кичик Халқа йўли кўчаси, 7-уй. Тел.:(+99871) 235-43-30; факс:(+99871) 234- 15-11, e-mail: taqi_atm@edu.uz). факс: (99871) 241-80-00, e-mail: taqi_atm@edu.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «22» июль куни тарқатилди.
(2021 йил «15» апрелдаги 1-рақамли реестр баённомаси).



Х.А. Акромов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.Х. Камиллов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

С.А. Ходжаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон қурилиш тажрибасида оловбардош қурилиш материалларига бўлган эътибор тобора ортиб, замон талаблари асосида қурилган ва турли ёнувчи қурилиш материаллари билан жиҳозланган бино-иншоотларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Чунки, дунё бўйича содир бўлаётган ёнғинлар одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига, мол-мулкига ҳамда атроф табиий муҳитга катта зарар етказмоқда. Ушбу ёнғинлар, асосан дастлабки 10-15 дақиқаларда ёнувчи қурилиш ва пардозлаш материаллари бўйлаб катта майдонларга тарқалмоқда. Булар қурилиш материалларининг ёнғиндан ҳимояланмаганлиги, ёнғиндан ҳимояловчи таркибларнинг самарадор эмаслиги, уларнинг ёғоч материалларига ишлов беришда мақбул технология ишлаб чиқилмаганлиги каби сабаблар билан боғлиқ. Шунинг учун, бутун дунёда ёғоч материалларининг оловбардошлигини оширувчи антипиренлар ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг оптимал таркибларини яратиш ва таъсир этишнинг самарадор механизмини такомиллаштириш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳоннинг етакчи илмий марказларида қурилиш материалларининг оловбардошлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқот ишлари жумладан, таркибида азот, фосфор, бор, хлор ва турли металл оксид ҳамда гидроксидлари мавжуд олигомер ва полимерлар асосидаги антипиренларни синтез қилиш ҳамда ёғоч қурилиш материаллари билан модификациялаш асосида унинг оловбардошлигини оширишдаги сарф харажатларини пасайтиришга йўналтирилган изланишлар олиб борилмоқда. Бу йўналишда, маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосидаги кўп функцияли антипиренларнинг оптимал таркибларини ишлаб чиқиш, ёғоч қурилиш материалларига антипиренлар билан ишлов бериш технологиясини такомиллаштириш масалалари долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Республикамизда жадал ривожланаётган қурилиш материаллари соҳасида уларнинг оловбардошлик даражасини ошириш мақсадида таркибида аммофос, аммоний сульфат ва бошқа моддалардан иборат турли кимёвий таркиблар яратилган бўлиб, мавжуд бино ва иншоотларни ёнғиндан ҳимоялаш йўналишида муҳим натижаларга эришилган. Шу билан бир қаторда, қурилиш материалларининг оловбардошлигини оширишда маҳаллий хомашёлардан фойдаланиш, таркибида фосфор-, азот ва металл мавжуд бўлган олигомер антипиренлар яратиш ва қўллаш технологияларни ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқот ишларини жадаллаштириш зарурати туғилмоқда. Ушбу йўналишда мамлакатимизда “... маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, ... одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш, ... ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш”¹ каби вазифалар белгиланган. Бу борада маҳаллий хомашёлар асосидаги

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 феврал кундаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

антипиренлар билан ёғоч материалларининг оловбардошлигини ошириш ҳамда антипиренларни қўллашнинг самарадор технологияларини ишлаб чиқиш ва бу билан, ёғоч материалларининг қурлишда хавфсиз фойдаланиш даражасини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4198-сон “Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш тўғрисида” ҳамда 2019 йилнинг 24 августдаги ПҚ-4426 сон “Давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича масъулиятни янада ошириш тўғрисида”ги Қарорлари шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 октябрдаги 649-сон “Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси ва хорижда кейинги йилларда оловбардош қурилиш материалларни яратишда бир қатор олимлар томонидан оловбардош қурилиш материалларни олиш ва уларнинг структураси ва хоссаларини тадқиқ этиш ҳамда технологиясининг асослари ишлаб чиқилган. Оловбардош ёғоч ва полимер қурилиш материалларининг таркиблари ва технологияларини яратиш бўйича хорижий олимлар Б.В. Копытовский, С.Г. Веденкин, А.И. Фоломин, С.Н. Таубкин, А.А. Лионович, А.А. Берлин, М.Н. Плунгянская, Ю.М. Иванов, Н. Bailleres, В. Ostman, S. Thelandersson, К.С. Минскер, Б.Э. Геллер, Н.Н. Ксандопуло, В.И. Кодолов, И.В. Ляпунов, В.И. Лалаян, З. Виллард, С. Вондра, Т. Уэда, Е. Имамура, В. Фенимор ва бошқалар шуғулланиб, ушбу масалаларни ҳал қилишга катта ҳисса қўшганлар.

Юртимиз олимлари томонидан оловбардош ёғоч ва полимер қурилиш материалларнинг таркибини ишлаб чиқиш, структура ва хоссаларини яхшилаш, самарадор технологияларини яратиш масалаларини ўрганишда бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Ушбу соҳа А.Т. Джалилов, С.С. Нигматов, М.М. Содиков, Ф.Х. Султонов, Ф.А. Магруппов, Н.А. Самигов, Б.А. Мавлянкариев, А. Саримсаков, Б.А. Мухамедғалиев, Ф.Н. Нуркулов, М.У. Каримов И. Исмоилов, Р. Болтабоев, И.И. Сиддиқов, М.З. Нурмухамедов, М.А. Қурбанова ва бошқаларнинг турли йилларда олиб борган илмий тадқиқотлари асосида ривож топди.

Улар томонидан ёнғиндан химояловчи турли таркиблар яратилган бўлиб, ёғоч, металл, полимер ва бошқа материалларга антипиренлар таъсир қилиш орқали кимёвий ва механик хоссалари ўрганилган. Бироқ, антипирен таъсир этилган ёғоч материалларининг барча оловбардош хусусиятлари,

антипиренлар таъсирининг табиий шароитдаги даврийлиги ҳамда уларни ёғоч материаллари билан модификациялашнинг экологик ва иқтисодий самарадор технологиясини такомиллаштириш масалалари янада кенгрок тадқиқ қилишни талаб этилаётганлигини кўрсатмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг №КА-14-003 “Саноат чиқиндилари асосида олинган ресурстежамкор антипиренлар билан ишлов берилган оловбардош қурилиш материалларини яратиш ва тадқиқ этиш” (2015-2017 йй.) ҳамда №МВ-Атех-2018-58 “Янги авлод металлорганик олигомер кўшимчали оловбардош, иссиқлик изоляцияловчи қурилиш материалларини тадқиқ этиш ва технологиясини яратиш” (2018-2020 йй.) мавзусидаги грант лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ёғоч қурилиш материалларини маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосидаги олигомер антипиренлар билан ёнғиндан химоялаш ва унинг самарадор технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маҳаллий хомашёлар асосида олигомер антипиренлар олиш ва улар асосида ёғоч қурилиш материалларни ёнғиндан химоялаш хусусиятини тадқиқ қилиш;

ишлаб чиқилган антипиренларни ёғоч материалларининг ёнувчанлик даражаси, кислород индекси ва тутун ҳосил қилиш коэффицентига таъсирини тадқиқ этиш;

янги АДж антипиренлари билан ишлов берилган ёғоч материаллари структураси, физик, механик ва кимёвий хоссаларига таъсирини ўрганиш;

ёғочнинг оловбардошлилик даражасини ошириш учун қўлланиладиган антипиренларнинг оптимал таркибини ишлаб чиқиш;

олигомер антипиренларни олиш ва ёғоч қурилиш материалларига шимдириш технологиясини такомиллаштириш ҳамда уларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида маҳаллий хомашёлар асосида таркибида фосфор-, азот ва металл бўлган олигомер антипиренлари ҳамда ёнғинбардош ёғоч қурилиш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг предметини маҳаллий хомашёлар асосида олинган фосфор-, азот ва металл гуруҳли олигомер антипиренлар билан ёғоч қурилиш материалларга ишлов бериш ҳамда ушбу материалларнинг физик-кимёвий, механик ва техник-иқтисодий омиллари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. АДж маркали антипиренларнинг таркибларни яратиш ва физик-кимёвий хусусиятларини тадқиқ этишда инфрақизил спектроскопияси (ИҚ), рентгенфазази (РФА) ва термогравиметрик (ТГ) таҳлил усуллари ҳамда ёғоч қурилиш материалларининг физик-механик, оловбардош хусусиятларини аниқлашда стандарт усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

таркибида фосфор-, азот ва металл гуруҳли бирикмаларни реакцион қобилияти юқори органик моддалар билан реакцияси асосида ёғоч қурилиш материалларни ёнғиндан ҳимояловчи олигомер антипирен таркиблари яратилган;

олинган олигомер антипиренлар юқори ҳарорат таъсирида ҳаводаги кислород билан бирикиши орқали турли оксидлар ҳамда сув буғларни ҳосил қилиши натижасида ёғоч қурилиш материалларининг оловбардошлик хоссаларини яхшилаш механизми асосланган;

олигомер антипиренлар билан модификацияланган ёғоч қурилиш материалларининг физик-механик хоссалари ва оловбардошлик даражаси оширилганлиги аниқланган;

таркибида фосфор-, азот ва металл гуруҳли олигомер антипиренларни олиш ва улар асосида ёғоч қурилиш материалларга босим остида шимдириш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ёғоч қурилиш материалларининг оловбардошлигини ошириш учун маҳаллий хомашёлар асосидаги антипиренларнинг оптимал таркиблари ишлаб чиқилган;

олигомер антипиренлар билан ёғоч қурилиш материалларга ишлов бериш технологияси ишлаб чиқилган;

“Ёғоч қурилиш материалларини ёнғиндан ҳимоялаш учун АДЖ-11 маркали таркиб. Техникавий шартлар” ташкилот стандарти ишлаб чиқилган;

илк бор маҳаллий хомашёлардан тайёрланган АДЖ маркали олигомер антипиренлар билан ёғоч материалларининг оловбардошлиги ГОСТ талабларига асосан II гуруҳдан I гуруҳга ўтказиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган материалларнинг идентификациясига асосланган хулосалар ва тавсиялар юқори информацион, замонавий физик-кимёвий, механик усуллардан (инфрақизил спектроскопияси (ИК), рентгенфазази (РФА) ва термогравиметрик (ТГ)) фойдаланилганлиги, тажрибаларнинг қурилиш меъёрлари ва қоидалари асосида амалга оширилганлиги, тажриба ва назарий тадқиқот натижаларининг ўзаро мутаносиблиги, ҳамда ишланманинг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юқори самарадор, янги АДЖ маркали олигомер антипиренларнинг ишлаб чиқилганлиги ҳамда антипирен таъсир этилган ёғоч материалларининг физик кимёвий ва механик хоссалари тадқиқ этилганлиги шунингдек, олинган ижобий натижалар оловбардош қурилиш материалларнинг назарияси ва амалиётини ривожлантириш учун муҳим ўрин тутиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий хомашёлар асосидаги олигомер антипиренлар билан ёғоч материалларини ишлов бериш технологияси яратилганлиги шунингдек, ёнғинлар ривожланишининг дастлабки муҳим 10 дақиқасини чеклашга асосий омил бўлиб хизмат қилувчи

антипиренларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий хомашёлар асосида олинган антипиренлар билан ёғоч материалларини ёнғиндан ҳимоялаш бўйича олинган натижалар асосида:

ёғоч материалларини ёнғиндан ҳимоялаш мақсадида яратилган АДЖ маркали таркиблар “Жиззах бинокор савдо” МЧЖ, “Фениксплюс” КТХФ, “QAYUM HOJI SERVIS” МЧЖ, “ОМАД” ҚК, “Семеранго Строй Сервис” МЧЖ, “SAD” МЧФ ҳамда “Ҳаққулобод аланга ёнғинни олдини олиш” унитар корхоналарда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2020 йил 28 октябрдаги 09-06/8348-сон ва Ўзбекистон Республикаси Ўзсаноатқурилиш материаллари уюшмасининг 2020 йил 20 октябрдаги 05/15-3264-сон маълумотномалари). Натижада ёғоч қурилиш материалларининг масса йўқотиши 5,8% бўлишига (ишлов берилмаган ёғочда 62,1% ни ташкил этган) ҳамда ёғочнинг юзаси бўйлаб аланга тарқалиш индексини 115%га камайтириш имконини берган;

олигомер асосидаги АДЖ маркали антипиренларнинг таъсир этиш хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ёғоч материалларига чуқур шимдириш учун янги автоклав лаборатория ускунаси Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2020 йил 24 декабрдаги 2/2/38-1333-сон маълумотномаси). Натижада ёғоч қурилиш материалларига лаборатория шароитида антипиренларни шимдириш механизми ҳамда технологияларининг самарадорлигини асослаш имконини берган;

ёғоч материалларини ёнғиндан ҳимояловчи таркибга Ўзбекистон Республикаси Адлия ваирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигидан “Ихтирога патент” олинган (№ IAP 06100 «Огнезащитный состав для обработки древесины» 11.12.2019 й.). Натижада, янги таркиб ёғоч қурилаш материалларининг оловбардошлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган бўлиб, улардан 1 та ихтирога патент, 2 та хорижий журналларда, 3 та Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, 11 таси халқаро ва республика миқёсидаги анжуманлар тўпламлари ва журналларда нашр этилган.

Диссертация таркиби ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ҳамда зарурати асосланган бўлиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети, ўрганилганлик даражаси ва тадқиқот усуллари, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, шунингдек, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

“Ёғоч материалларини кимёвий таркиби ҳамда уларни ёниш жараёнининг асосий қонуниятларини ўрганиш” номли биринчи бобида диссертация мавзуси билан боғлиқ нашр этилган илмий ишларнинг шарҳи берилган. Оловбардош қурилиш материалларни олишнинг долзарб муаммолари таҳлил қилинган бўлиб унда ёғочнинг таркиби ва тузилиши, ёғоч материалларнинг ёниш жараёнидаги асосий қонуниятлари, ёғоч материалларини ёнғиндан ҳимоялашнинг усуллари, дунёда ва республикада қўлланиладиган антипиренларнинг қисқача таснифи бўйича илмий изланишлар муҳокама этилган.

“Маҳаллий хомашёлар асосидаги олигомер антипиренлар таркибини яратиш ва физик-кимёвий хусусиятларини тадқиқ этиш” деб номланган иккинчи бобида тадқиқот учун танланган объектлар, олиниши ва физик-кимёвий хоссаларни ўрганиш усуллари асосланган. Шунингдек, қўлланиладиган материалларнинг хусусиятлари, тадқиқот усуллари, маҳаллий хомашёлар асосидаги АДж маркали олигомер антипирен таркибларни яратиш ва физик-кимёвий хоссаларни тадқиқ этиш, олинган олигомер антипиренларни рентгенфазоли таҳлиллар ҳамда термогравиметрик таҳлиллар асосида ўрганиш натижалари ва усуллари келтирилган.

Таркибида азот-фосфор, бор алюминий бўлган бирикмаларнинг ўзаро таъсири асосида янги авлод металл бирикмаларининг олигомерлари синтез қилинди ва АДж-11 маркали антипиреннинг хусусиятлари ўрганилди.

Аралаштиргич, тескари совутгич ва термометр ўрнатилган уч оғизли колбага 35 гр аммофос, 20,5 гр бура ва 10 гр алюминий оксиди солинди. Сўнгра 20 гр сув қуйилди ва 2 гр эпихлоргидрин қўшилди.

Реакцияга киришувчи аралашмани узлуксиз равишда 100-105°C ҳароратда бир соат давомида қиздирилди. Олинган маҳсулот хона ҳароратигача совутилди. Синтез қилинган антипиреннинг чиқиши 90 % ни ташкил этди ва унинг рН кўрсаткичи 7,5 га тенглашди.

Кўп сонли текширишлар ҳар хил шароитда олиб борилди. АДж-11 металл органик олигомер антипиреннинг чиқишига ҳарорат, вақт ва компонентларнинг нисбати ҳамда катализаторнинг ишлатилиши таъсир кўрсатади.

Металл органик АДж-11 олигомер антипиреннинг оптимал олиш шароити топилди. Синтез қилинган АДж-11 маркали металл органик

олигомер антипиренининг физик-кимёвий хоссаси куйидаги 1-жадвалда келтирилган.


1-жадвал

АДж-11 металл органик олигомер антипиреннинг физик-кимёвий хоссаси

Антипирен маркаси	Чиқиши, %	pH	Зичлиги, г/см ³	Эрувчанлиги
АДж-11	90	7,5	1,12	Сувда эрийди

АДж-11 антипиренини инфрақизил спекторда текширилганда шуни кўрсатдики, 2850- 1470см⁻¹ оралиғида ютилиш чизиғида СН₂- гуруҳ борлигини тасдиқлайди ва 1650см⁻¹ оралиғида эркин ҳолатдаги –CONH₂ гуруҳига мос келади.

ИҚ-спекторда 3200-3350см⁻¹ оралиғида ютилиш чизиғи мавжуд бўлиб, бирламчи –CONH₂ гуруҳига мос келади (1-расм.) ва 3440см⁻¹ ютилиш чизиғи оралиғида иккиламчи –CONHR гуруҳига мос келади. 780-672см⁻¹ ютилиш чизиғи оралиғида –NH₂ гуруҳи борлигини исботлайди.



1-расм. АДж-11 моддасининг ИҚ-спектрограммаси

ИҚ-спекторда 1460-1300см⁻¹ ютилиш оралиғи мавжуд бўлиб, бу органик фосфат Р=О гуруҳи борлигини тасдиқлайди.

Бундан ташқари ИҚ-спекторда 600-800см⁻¹ ва 1460см⁻¹ оралиғида тор кўринар-кўринмас чизиклар пайдо бўлган бўлиб, у металл органик бирикмаларга тўғри келади.

Диссертациянинг **“Олигомер антипиренлар билан ёғоч материалларга ишлов бериш асосида оловбардош хосса хусусиятларни самарадорлигини оширишнинг оптимал шароитларни тадқиқ этиш”** деб номланган учинчи бобида маҳаллий хомашёлар асосида олигомер антипиренлар билан модификацияланган ёғоч материалларнинг термик барқарорлиги, ёғоч материалларининг оловбардош хусусиятлар шунингдек, уларнинг юзасида олов тарқалиши ва тутун ҳосил қилиш коэффицентлари ҳамда физик-механик хоссалари тадқиқ қилинган.

Бундан ташқари, диссертация ишида олигомер антипиренлар билан ёғоч материалларга ишлов бериш асосида оловбардош хосса хусусиятлари самарадорлигини оширишнинг оптимал шароитлари ва механизмлари асослаб кўрсатилган.

Ёғоч материалларининг юзасини антипиренлар билан ишлов бериш – юза бўйлаб оловнинг тарқалиши ҳамда ёнғин содир бўлиши олдини оладиган асосий муҳандислик-техник тадбирлардан бири бўлгани учун уларда аланга тарқалиши ва кислород индекслари ГОСТ 12.1.044 “Система стандартов безопасности труда. Пожаровзрывоопасность веществ и материалов. Номенклатура показателей и методы их определения” талабларига асосан текширилади.

Текшириш ишлари ГОСТ 12.1.044 нинг 2.15.2-бандига асосан сирт бўйича аланганинг тарқалмаслиги, сирт бўйича аланганинг секин тарқалиши ҳамда сирт бўйича аланганинг тез тарқалиши параметрларига мос келиши инobatга олинди. Олов тарқалиш индексини баҳолашда, намуна сиртидаги оловнинг ҳар бир қисмидан ўтадиган вақти, ажралиб чиқувчи газларнинг ҳарорати, максимал ҳароратга етиш вақт кўрсаткичлари ҳамда намуна юзаси бўйлаб олов тарқалиш тезлиги муҳим ҳисобланади.

Тадқиқотлар давомида ҳар бир марка учун 10 донадан ёғоч намуналари танлаб олиниб, тажрибалар ўтказилди. Натижада (2-жадвал) ишлов берилган ёғоч намуналарида олов тарқалиш индексининг кўрсаткичлари яхшиланган.

2-жадвал

АДж маркали антипиренларнинг олов тарқалиш индекси кўрсаткичлари

Т/р	Модданинг номланиши	Аланганинг тарқалиш индекси, I
1.	Синов намунаси	21
2.	АДж-1	11
3.	АДж-2	5
4.	АДж-3	12
5.	АДж-4	13
6.	АДж-5	15
7.	АДж-6	10
8.	АДж-10	8
9.	АДж-11	3

Жадвалдаги кўрсаткичлар ГОСТ 12.1.044 меъёрий хужжатининг 4.19-бандига асосан ишлов берилган намуналарда аланганинг тарқалиш индекси 0 дан 20 оралиғида бўлганлиги учун АДж-2, 10 ва 11 антипиренлари билан ишлов берилган ёғоч намуналари “Сирт бўйича аланганинг секин тарқалиши” таснифига тааллуқли бўлди.

Ушбу маҳаллий хомашёлар асосида олинган АДж-2 АДж-10 ва АДж-11 антипиренлари билан ишлов берилган ёғоч материалларининг сирт бўйича аланганинг тарқалиши кўрсаткичлари олиниб, уларнинг ўрта арифметик кўрсаткичи 5 деб олинди ва бир йил давомида текширилганда натижалар деярли ўзгармади. Текшириш натижалари қуйидаги 3-жадвалда берилди.

3-жадвал

Йил давомида ёғоч материалларининг сирти бўйича аланга тарқалишининг индексини текшириш жадвали

Тажриба ўтказиш вақти, кун	Сирти бўйича аланга тарқалиши индекси
Дастлабки (ишлов берилмаган)	23
1	5
30	5
60	5
90	5
180	5
365	5

Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, АДж-11 антипирени ёғочнинг оловбардошлик хоссаларини яхшиланишига ёрдам берди.

ГОСТ 12.1.044 га асосан ушбу ёғоч намуналарида аланга тарқалиш индекси 0-20 оралиғида бўлганлиги учун АДж-11 антипирени билан ишлов берилган намуналар бир йил давомида тадқиқот кузатувлари “Сирт бўйича аланганинг секин тарқалиши” таснифига тааллуқли эканлигини кўрсатди.

Материалларнинг ёнувчанлигини аниқлашнинг яна бир усули бу уларнинг кислород индекси бўлиб, АДж антипирени таъсир этилган ёғоч материалларининг кислород индекси текширилди ва қуйидаги 4-жадвалда кўрсатилган натижалар олинди.


4-жадвал

Ёғоч материалларининг кислород индекси

Т/р	Намунанинг номланиши	Намунанинг ўлчамлари, мм			КИ, %
		Эни	Қалинлиги	узунлиги	
1.	Ишлов берилмаган ёғоч	11	4	70	24
2.		10	8	70	24,5
3.		10	6	70	24,5
4.	Антипирен билан ишлов берилган ёғоч	10	6	70	39
5.		10	8	70	40
6.		10	10	70	41

Олинган натижалар, АДж маркали антипирен моддаси таъсир этилган 4, 5, 6- рақамли ёғоч намуналар, ишлов берилмаган 1, 2, 3-ёғоч намуналарининг кислород индексига нисбатан 60%га ошганлигини кўрсатди.

Шу билан бирга, олигомер антипиренлар билан модификацияланган ёғоч материалларнинг тутун ҳосил қилиш коэффициенти ГОСТ 12.1.044 нинг 2.14.2-бандига асосан текширилди. Қарағай ёғочи учун ГОСТ бўйича тутун ҳосил қилиш коэффициенти ўртача $50 \text{ м}^2/\text{кг}^{-1}$ га тенг бўлиб, у кичик-Д1 ёки ўртача Д2-туташ хусусиятига эга бўлади. Лекин, тутаб ёниш вақтида $D_{ш}=600 \text{ м}^2/\text{кг}$ бўлиб, тутаб ёнаётган ёғочнинг юқори туташ хусусиятига Д3 туркумига киритиш мумкин. Туташ хусусияти бўйича натижалар 2-расмда берилган.



2-расм. Ёғочнинг туташ хусусияти бўйича текширув натижалари

Антипиренларнинг оловга чидамлик самараси бу, уларнинг целлюлоза билан кимёвий таъсири, бунинг оқибатида ёнишнинг асосий алангаланиш фазасидаги ишлатилган материалдан чиқаётган иссиқлик микдорининг камайишидир.

Бунга, иссиқлик энергиясининг асосий қисмини аккумуляция қиладиган қийин ёнадиган кўмир ҳамда сақичсимон модданинг чиқиш йўллари камайиши шунингдек, газ тузилишдаги маҳсулотларни чиқиш тезлигининг пасайиши сабаб бўлади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, маҳаллий хомашёлар асосида олинган АДж-10 ва АДж-11 антипиренлар ёғоч материалларига таъсир қилинганда нафақат уларнинг оловбардошлик даражаси, балки тутун ҳосил қилиш коэффициенти ҳам кескин таъсир қилиб, унинг Д3 дан Д1 гуруҳига ўтганлиги намоён бўлди.

Шунингдек, ушбу бобда, олигомер антипиренлар билан модификацияланган ёғоч материалларининг физик-механик хоссалари тадқиқ этилган.

Сиқилиши ва эгилиши ёғочнинг энг муҳим хоссаси ҳисобланиб, маҳаллий хомашё асосида тайёрланган антипиренлар таъсир қилинганда қуйидаги натижалар олинди. (5-жадвал)

АДж-11 антипирени таъсир қилинган ёғочнинг статик эгилиши ва сиқилишига мустаҳкамлигини синаш жадвали

T/p	Ишлов бериш усули	Статик эгилишдаги мустаҳкамлик чегараси, МПа	Ўртача статик эгилишдаги мустаҳкамлик чегараси, МПа	Статик сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси, МПа	Ўртача статик сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси, МПа
0	-	71,05	71,05	57,89	57,89
1	Тоза сув	71,05	71,05	57,89	57,89
2	АДж-11. пуркалган	66,32	71,05	57,63	57,895
3	АДж-11. пуркалган	75,79		57,91	
4	АДж-11. пуркалган	71,05		58,16	
5	АДж-11. шимдирилган	80,53	82,11	58,95	58,68
6	АДж-11. шимдирилган	75,73		59,21	
7	АДж-11. шимдирилган	90,0		57,89	

Антипирен билан ҳимояланган ёғочнинг статик эгилиш мустаҳкамлиги ҳамда статик сиқилишига мустаҳкамлигининг пасайиши кузатилмаганлиги келтирилган. АДж-11 моддаси шимдирилган ёғоч намуналарининг эгилишдаги мустаҳкамлиги маълум миқдорга, 16% га ортган.

Демак, АДж-11 моддаси ёғоч материалларига таъсир қилинганда нафақат унинг ёнғинбадошлилик даражаси ошганини балки, ёғоч материалларининг механик хоссалари ҳам яхшиланганини келтириб ўтиш мумкин.

Диссертациянинг тўртинчи боби “**Маҳаллий хомашёлар асосида олинган олигомер антипиренлар билан ёғоч материалларни модификациялашнинг технологияси. Техник – иқтисодий самарадорлигини ишлаб чиқиш**” деб номланган. Ушбу бобда олигомер антипиренлар билан ёғоч материалларга турли усуллар билан ишлов беришнинг оптимал миқдори, оловбардошлик хоссаларнинг самарадорлиги тадқиқ этилиб, ёғоч материалларга ишлов беришнинг самарадор технологияси ишлаб чиқилган.

Шунингдек, олигомер антипиренлар таркибларни яратишнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсатиб ўтилган. Унга кўра, АДж-11 олигомер антипиренининг самарали миқдорини аниқлаш учун дастлаб 5, 10, 15, 20 ва 25% ли аралашмалар тайёрланиб, ёғоч материалларининг оловбардошлилиги текшириб кўрилди. Текширув натижалари 6-жадвалда келтирилди.

Антипирен аралашмаларининг самарали миқдорини аниқлаш жадвали

Т/р	Ўрнатилган кўрсаткичлар	Ишлов берилмаган ёғоч	Текширув натижалари, %				
			5	10	15	20	25
1.	Массани йўқотиши, гр	87	16	10,2	8,3	7,8	Қуриш жараёни мураккаб-лашди
2.	Массани йўқотиши, %	65	11,5	7,1	5,6	5,2	


Текшириш натижаларидан кўриниб турибдики, 15-20%ли таркиб энг оптималлиги билан бошқаларидан яққол ажралиб турди.

Қуйида 7-жадвалда диссертация ишида ўрганиб чиқилган ва ижобий кўрсаткичларга эга бўлган маҳаллий хомашёлар асосида олинган антипиренларнинг таққослаш жадвали берилган.

АДж антипиренларни таққослаш жадвали

Текшириш усуллари	Ўрнатилган кўрсаткичлар	Синов намунаси	Синов натижалари			
			АДж-2	АДж-3	АДж-10	АДж-11
ГОСТ 16363	Масса йўқотиши, %	63,3	7,6	8,9	6,5	5,5
	Мустақил ёниш вақти, с	270	0	18	7	0

Шунингдек, диссертация ишида республикамизда қўлланилаётган ПТЛ СДН, ВПД, МС 1:1 маркали антипиренлари ҳамда таркиби мутлоқо маҳаллий ва янги бўлган АДж-2 ва АДж-11 антипирен моддалари билан ишлов берилган ёғоч материалга ёндирувчи манба таъсир қилинганда намуналарнинг узунлиги бўйича талофат даражаси текширилди ва натижалар қуйидаги диаграмма (3-расм)да кўрсатилди.



3-расм. Антипиренлик хусусиятига эга бўлган моддалар таъсир этилган ёғоч намуналарининг узунлиги бўйича талофат даражаси

Шундай қилиб, ПТЛ СДН, ВПД, МС 1:1 антипиренлари ҳамда таркиби маҳаллий ва янги бўлган АДж-2 ва АДж-11 антипирен моддалари билан ишлов берилган ёғоч материалларига ёндирувчи манба таъсир қилинганда намуналарнинг узунлиги бўйича талофат даражаси 1,5 см (у ҳам бўлса ёндирувчи манба 300 сония таъсир этилган қисми)га етди ва 10%ни ташкил этди. Бу эса антипиренлик хусусиятига эга бўлган бошқа моддаларга қараганда АДж-11 моддаси 2 баробардан кўп самарадорликка эга бўлганлигини кўриш мумкин.

Бундан ташқари, 4-бобда олигомер антипиренлар билан ёғоч материалларга ишлов беришнинг самарадор технологияси ишлаб чиқилди. Бунда, АДж-11 маркали антипиренининг самарали миқдорини аниқлаш учун 5-25%ли аралашмалар тайёрланиб, ёғоч материалларининг оловбардошлилиги бир неча бор текшириб кўрилганда 5-15% дан иборат таркибларининг ёнувчанлик гуруҳи III дан - II гуруҳга киришига, 16-20%ли таркиблар таъсир этилган намуналарнинг ёнувчанлик гуруҳи I бўлишига эришилди. 21-25%ли аралашмалар таъсир қилинган намуналарнинг қуриш жараёни 1-2,5 баробарга ортганлиги сабабли, “энг самарали таркиб 16-20%ли антипирен” – деб топилди.

Адабиётларда “Юзаки ишлов беришнинг барча усуллари ёғочни ёнадиган гуруҳдан қийин ёнадиган гуруҳга ўтказиш учун етарли эмас” – деб кўрсатиб ўтилган. Юқоридаги маълумотларга асосан АДж-11 моддаси билан ишлов берилган ёғоч намуналарида узунлиги бўйича талофат даражаси деярли йўқлиги ва мустақил ёниш вақти умуман мавжуд эмаслиги ушбу назарияни инкор этмоқда.

Олигомер антипиренлар билан ёғоч материалларга ишлов беришнинг самарадор сарфи ва технологияси ишлаб чиқилди. Унга кўра ёғоч материалларини ёнғиндан ҳимоялашда ишлатиладиган антипиренлар сарфининг самарадорлиги 0,1-0,2 кг/м² ни ташкил этди.

Бундан ташқари, адабиётларда келтирилган – “... шимдирилаётган элементнинг 1 м³ га - 75 кг дан кам бўлмаган миқдор ёғочни қийин ёнувчи материалга айлантиради” – деб белгиланган. Лекин, АДж-11 антипирени билан ёғоч материалларини ёнғиндан ҳимоялашда шимдирилаётган элементнинг 1 м³ га - 65 кг миқдорда аралашманинг ютилиши ёғочни қийин ёнувчи материалга айлантирди.

Бундан ташқари ушбу автоклавда қайрағоч ёғочига АДж-11 маркали антипиренини шимдириш учун жараённинг давомийлиги 6 соат бўлганда етарли бўлди. Бу кўрсаткич сингиш даражаси 8-10 соат давомида шимдирилгандаги намуналар билан бир хил кўрсаткичларга эга бўлди.


АДж-2 ва АДж-11 антипирен таркибларини яратишнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланди.

Унга кўра, ҳисоблар 2020 йилнинг декабрь ойидаги нархлар қиймати билан олганда, АДж-2 моддаси (Чўтка, валик ёрдамида ёки пуркаб сепиш)нинг 0,1 грли миқдори 3400 сўмни ташкил этиб, оловбардошлилик даражаси II гуруҳни, АДж-11 моддасининг 0,1 грли миқдори 3330 сўмни ташкил этиб, оловбардошлилик даражаси II гуруҳни ҳамда бу моддалар

хорижий давлатлардан импорт қилиниб, оловбардошлилик даражаси II гуруҳни берувчи 0,2 гр.ли миқдори 12000 сўм (11 АҚШ доллари)ни ташкил этувчи ВПД, пирилакс каби моддалар билан шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан татбиқ этилаётган оловбардошлилик даражаси II гуруҳ (масса йўқотилиши 18%дан ҳам юқори бўлган)ни берувчи 0,1 гр.ли миқдори 5200 сўмни ташкил этувчи ПТЛ СДН моддалари билан таққосланганда уларга нисбатан самарадор (0,1 гр.ли миқдори 3330 сўм/м²) эканлиги исботланди.

Тадқиқот натижалари асосида яхши натижаларга эга бўлган АДж-11 маркали олигомер антипирен Тошкент кимё технология илмий тадқиқот институтида 500 кг.дан ортиқ миқдорда ишлаб чиқилган ва амалиётда қўлланилган.

Ушбу ёнғинга қарши воситани олиш технологияси иқтисодий самарадор бўлиб катта миқдорда энергия харажатларини талаб қилмайди. Асосий ижобий натижалар паст ҳароратларда (90⁰С гача) олинади.



4-расм. Олигомер антипиренларни олишнинг технологик схемаси.

- 1-катализатор учун сиғим; 2-таркибида фосфор тугган бирикмалар учун сиғим;
3-эпихлоргидрин учун сиғим; 4-реактор; 5-қуритиш камераси;
6-майдалагич; 7-гайёр маҳсулот.

Ёғочни ёнғиндан ҳимоялашнинг максимал даражада таъминлаш учун ҳосил бўлган композицияларни ёғоч материалларига қўллаш технологияларини ишлаб чиқиш лозим.


Шунинг учун, республикада энг биринчилардан бўлиб, ёғоч материалларига антипиренларни чуқур шимдириш учун мўлжалланган технология (5-расм) ишлаб чиқилди.

Диссертация ишини бажариш ва унинг экспериментал асослаш мақсадида, ёғоч материалларига антипиренларни чуқур шимдириш учун мўлжалланган лаборатория қуримаси асосида антипиренлар билан ёғочга ишлов беришнинг самарадор технологияси яратилди.

Бу технология орқали ёғоч материалларига антипирен моддасини шимдириш жараёнининг физик моҳияти шундан иборатки, дастлаб сиғимга намуналар жойлаштирилиб, вакуум ҳосил қилинади ва 30 дақиқа давомида ушлаб турилганда ёғоч ғовакларига ҳаво сўриб олинади. Сўнгра сиғимга керакли миқдордаги антипирен моддаси юборилиб, 6 соат давомида 60⁰С ҳароратда 1,2 МПа босим берилади.


Ҳарорат 60°C гача ортиши ёғоч ғоваклардаги мавжуд ҳавонинг кенгайиши ва ундан чиқиши натижасида ғовакларда ҳаво сийраклашади, сўнгра шимдирилувчи қоришманинг ғовакларга кириши содир бўлади.

Шимдириш жараёни тугагандан сўнг антипирен эритмаси сиғимдан олиниб, намуналар нисбатан қуриши ва ортиқча миқдордаги антипиренларни олиш мақсадида 1 соат давомида қолдирилади сўнгра тарозига тортилади.



5-расм. Ёғоч материалларига антипиренларни чуқур шимдириш учун самарали бўлган янги (вакуум-ҳарорат-босим) технологияси.

Ушбу автоклавнинг саноат кўриниши қуйидагича тавсия этилади.



6-расм. Автоклавнинг саноат кўриниши.

1-автоклав қурилмасининг корпуси, 2-азот баллонлари, 3-термостат, 4-автоклав қурилмасининг қалпоғи, 5-ёғоч материалларини автоклавга киритиш механизми, 6-ёғоч материаллари.

Шунингдек, диссертация ишида ёғоч материалларига антипиренлар шимдиришнинг мавжуд совуқ ванна усулига кўшимча ускуналар ўрнатишга таклиф киритилиб, антипирен моддасининг ҳароратини 60°C га оширувчи изоляцияланган электр чулғами ўрнатилади ва “Иссиқ ванна 20” технологияси орқали ёғоч материалларига антипиренларнинг сингиш даражаси тезлашиши ва шимилиш самарадорлигининг ошиши кўрсатилди.

Тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган АДЖ-11 маркали олигомер антипирен хорижий ВПД, пирилакс, МС, Фобос-7 каби маркаларига нисбатан иқтисодий жиҳатдан самарадор эканлиги ҳамда унинг нархи 3330 сўм/м^2 ни ташкил этиши исботланди.

Ишлаб чиқилган АДЖ маркали олигомер антипиренлар республикамизда фаолият юритаётган қурилиш объектлари ООО “Жиззах бинокор савдо”, “Фениксплюс” КТХФ, ООО “QAYUM HOJI SERVIS”, СП “ОМАД”, ООО “Семеранго Строй Сервис” каби корхоналар ва уларнинг биноларида шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси “САД” кичик хусусий корхонаси ва “Ҳаққулбод аланга ёнғинни олдини олиш” Унитар корхоналари томонидан турли қурилиш объектларига татбиқ этилган.

ХУЛОСАЛАР

1. Маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида таркибида азот, фосфор гурухли олигомер антипиренларни яратиш ва қўллаш технологиялари таклиф қилинди.

2. Олинган азот ва фосфор тутган олигомер антипиренларнинг ҳамда модификацияланган ёғоч намуналарни, ИҚ-спектроскопияси, рентгенфазоли (РФА) таҳлил, термогравиметрик (ТГ) ва (ДТА) таҳлил усуллари ёрдамида таркиби ва тузилиши ўрганилди.

3. Ёғоч ва полимерларни ҳимояловчи мақсадли янги олигомер антипиренлар олиш имконини яратувчи азот ва фосфор тутган композициялар билан оловдан ҳимоя қилиш жараёнининг механизми таклиф этилди.

4. АДж-2, АДж-3, АДж-4, АДж-5, АДж-6, АДж-10 ва АДж-11 маркали олигомер антипиренлар асосида ёғоч ва полимерларни оловбардош хусусияти, материаллар юзасида олов тарқалиш индекси, ёнғин таъсирида масса йўқотилиши, тутун ҳосил қилиш коэффиценти ва физик-механик хоссалари тадқиқ этилди ва яратилган олигомер антипиренлар асосан оловбардошлилик самарадорлиги I гуруҳга кириши аниқланди. Шу билан бирга АДж-11 маркали олигомер антипирен энг юқори самарадорликга эга эканлиги ўрганилиб, унинг ёғоч қурилиш материаллари билан ҳосил қилган модификацияларни масса йўқотишини даврийлиги 5,2% ни ташкил қилиши аниқланди.

5. Ёғоч қурилиш материалларни ёнғиндан ҳимояловчи, самарадорлиги юқори бўлган антипиренларни ишлаб чиқаришда ҳамда чет эл аналоглари билан рақобатбардош бўлган янги АДж-2 ва АДж-11 маркали олигомер антипиренлар ишлатилиши тавсия этилди. Аниқландики, ўзининг самарадорлиги билан олинган антипиренлар чет эл аналоглар билан бир хил хоссага эга, шу билан бирга экологик ва иқтисодий самарадорлиги аниқланди.

6. Тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган АДж-11 маркали олигомер антипирен хорижий “Пирилакс” маркасига нисбатан иқтисодий жиҳатдан самаралироқдир. Ушбу иккиламчи хомашёлар асосида олинган АДж-11 маркали олигомер антипиреннинг нархи 3330 сўм/м² ни ташкил этади.

“Жиззах бинокор савдо” МЧЖ, “Фениксплюс” КТХФ, “QAYUM HOJI SERVIS” МЧЖ, “ОМАД” ҚК, “Семеранго Строй Сервис” МЧЖ каби корхоналар ва уларнинг биноларида, бундан ташқари Қорақалпоғистон Республикасининг “SAD” кичик хусусий корхонаси ҳамда Наманган вилояти “Ҳаққулобод аланга ёнғинни олдини олиш” Унитар корхоналари томонидан амалиётга жорий этилди. Яратилган азот ва фосфор тутган олигомер антипиренлар ва улар асосидаги ёғоч қурилиш материаллари билан ҳосил қилган модификациялари агрессив таъсирларга, атмосфера таъсирларига ва юқори оловбардошликга эга.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ АРХИТЕКТУРНО-СТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ**

**АКАДЕМИЯ МИНИСТЕРСТВА ПО ЧРЕЗВЫЧАЙНЫМ СИТУАЦИЯМ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

ЖУМАЕВ САЙФИДДИН КАДИРОВИЧ

**ОГНЕЗАЩИТА ДРЕВЕСНЫХ МАТЕРИАЛОВ АНТИПИРЕНАМИ НА
ОСНОВЕ МЕСТНОГО СЫРЬЯ**

**05.10.02 - «Безопасность в чрезвычайных случаях. Пожарная,
промышленная, ядерная и радиационная безопасность»,
05.09.05-«Строительные материалы и изделия»**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2020.4.PhD/Т1241.

Диссертация выполнена в Академии МЧС Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице (www.taqi.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научные руководители: **Самигов Нигматжон Абдурахимович**
доктор технических наук, профессор

Нуркулов Файзулло Нурмунинович
доктор технических наук

Официальные оппоненты: **Курбанбаев Шухрат Эргашевич**
доктор технических наук, старший научный сотрудник


Сатторов Зафар Мурадович
кандидат технических наук, профессор

Ведущая организация: **Ферганский политехнический институт**

Защита диссертации состоится «6» июля 2021 года в 13:00 часов на заседании Научного совета DSc.26/30.12.2019.T.11.01 при Ташкентском архитектурно-строительном институте. Адрес: 100011, г. Ташкент, улица Абдулла Кодирий, дом-7в. Тел.:(99871) 241-10-84; факс: (99871) 241-80-00, e-mail: devon@taqi.uz, taqi_atm@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского архитектурно-строительного института (зарегистрирован за № 56). (Адрес: 100084, г.Ташкент, улица Малая кольцевая дорога, дом №7. Тел.:(71) 235-43-40, факс:(71) 234-15-11), e-mail: taqi_atm@edu.uz).

Автореферат диссертации разослан «22» июня 2021 года. (Реестр протокола рассылки № 1 от «15» апреля 2021 года).


Х.А. Акрамов
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор
Х.Х. Камилов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор
С.А. Ходжаев
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой практике строительной индустрии все больше внимания уделяется огнестойким строительным материалам, и вопросы обеспечения пожарной безопасности зданий и сооружений, возведённых по современным требованиям из разных горючих строительных материалов, остаются актуальными. Ибо, пожары, происходящие в мире, наносят огромный вред жизни и здоровью людей, материальный ущерб имуществу и урон окружающей природной среде. Пожары, в основном в первые 10-15 минут распространяются по горючим строительным и отделочным материалам на большие площади. Это обусловлено с низким качеством огнезащитных составов для обработки строительных материалов или же вовсе отсутствием огнезащиты, отсутствием современных и эффективных технологий обработки деревянных материалов огнезащитными составами. В этой связи, во всём мире большое внимание уделяется производству антипиренов, повышающих огнестойкие качества деревянных материалов, созданию оптимальных составов и совершенствованию эффективного механизма воздействия антипиренов.

Исследования в ведущих мировых научных центрах по повышению огнестойкости строительных материалов, включая синтез антипиренов на основе олигомеров и полимеров, содержащих азот, фосфор, бор, хлор и различные оксиды и гидроксиды металлов, а также модификация древесными строительными материалами для снижения его затраты на огнестойкость. ведутся исследования. В этом направлении, разработка оптимальных составов многофункциональных антипиренов на основе местного сырья и промышленных отходов, совершенствование технологии переработки антипиренов на древесные строительные материалы остается одной из актуальных задач.

С целью повышения степени огнестойкости строительных материалов в нашей республике созданы и подвергнуты синтезу различные химические составы т.е аммофос, сульфат аммония и другие химическое составы, достигнуты значительные результаты в области огнезащиты существующих зданий и сооружений. Вместе с тем, возникает острая необходимость в ускорении научно-исследовательских работ по созданию и внедрению в практику новых антипиренов в составе фосфор-, азот и металл содержащих олигомеров и технологий их применения, использовании местного сырья для повышения огнестойкости строительных материалов. В связи с этим в стране поставлены такие задачи, как "...глубокой переработки местных сырьевых ресурсов, ...обеспечение экологической безопасности проживания людей, и локализация производства ..."².

Одним из важных вопросов при реализации этих задач является

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

повышение огнестойкости деревянных материалов антипиренами, созданными на основе местного сырья, также разработка эффективных технологий применения антипиренов, что позволит повысить уровень безопасного использования деревянных материалов в строительстве.

Данное диссертационное исследование в определённой степени послужит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан № ПП-4198 "О мерах по коренному совершенствованию и комплексному развитию промышленности строительных материалов" от 20 февраля 2019 г., Постановлениями Президента Республики Узбекистан № ПП-4335 "О дополнительных мерах по ускоренному развитию промышленности строительных материалов" от 23 мая 2019 г., № ПП-4426 "О дальнейшем повышении ответственности органов государственного и хозяйственного управления и органов исполнительной власти на местах за внедрение новой системы локализации производства и ускорение кооперационных связей в отраслях промышленности" от 24 августа 2019 г., Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан № 649 "Об утверждении правил пожарной безопасности" от 20 октября 2020 г. и другими нормативно-правовыми актами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики Узбекистан – "II. "Энергетика, энерго- и ресурсосбережение".

